

## Талоқ (рисола) (11)

05:00 / 15.02.2017 4040

### ЗИҲОРНИНГ БАЁНИ

#### ЗИҲОРНИНГ ЛУҒАВИЙ ВА ШАРЪИЙ МАЪНОЛАРИ:

“Зиҳор” лафзи “зоҳр” сўзидан олинган бўлиб, бел деган маънони билдиради. Зиҳор “муфоъала” бобидан масдардир. У бир-бирига орқа қилиш ёки белни белга ёпиштириш ёки киши томонидан аёлига: “Сен менга онамнинг бели кабисан” деб айтиши каби маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда никоҳидаги аёлини ёки унинг тўлиқ зотини ифодаладиган бирор аъзосини никоҳи абадий ҳаром қилинган маҳрамларидан бирига ёки уларнинг кўриш ҳаром қилинган аъзоларига ўхшатишга зиҳор дейилади. Бу ҳукмда насаб, қуда-анда ва эмикдошлик жиҳатидан абадий маҳрам бўлганлар баробардир. Масалан, бир киши аёлига: “Сен мен учун онам кабисан” ёки “Сенинг белинг онамнинг бели каби” дейиш билан зиҳор собит бўлади. Булардан ташқари аёлини сингли, аммаси, холаси, эмизган онаси, қайноналарига ўхшатиш ёки аёлини маълум аъзоларини юқорида зикр қилинган маҳрам аёлларнинг аврат жоиларига ўхшатиш билан ҳам зиҳор собит бўлади.

أَعْرَشَ وَ يَمُرُّ رَهْطَكَ سَيَلَعْتَ نَأْهَلْ لَاقِ إِذْ إِهْتَأَمُ نَمَّ رَهْطَ رَدَّصَمَّ عَ لَوْهُ رَاوْطَلْ أَبَابِ  
عُجْ هَيْبْ شَتِّ وَأَوْهَائِضْ عَ نَمَّ أَهْ عَ وَبْ رُبَّ عِيْ أَمْ هَيْبْ شَتِّ وَأَوْهَائِضْ وَرَمْلُ سُمْلْ هَيْبْ شَتِّ  
أَدِي بَأْتِ هَيْبْ لَعْمُ حُمْبْ أَهْ نَمَّ عِيْ أَشْ.

**“Зиҳор боби: У луғатда бир киши аёлига: “Сен менга онамнинг бели кабисан” деган вақтдаги “зоҳара мин имраатиҳи” сўзидан келиб чиққан масдардир. Шариатда, мусулмон киши аёлини ёки аёлдан таъбир бериладиган аъзосини ёки аёлнинг кенг тарқалган жузини никоҳи абадий ҳаром қилинган аёлга ўхшатишдир”** (Дуррул мухтор).

خَلَّاهُ قِيْقَحِ هَرْهَظَلْ كَرْهَظَلْ تَلَبَّاقِ إِذْ هُتَرْهَظَلْ لَأَقِيْ فِرَّهَظَلْ نَمَّ هُتَرْهَظَلْ نَأَلْ  
هَيْرُوصْ وَأَبَسَنْ هَيْبْ لَعْمُ حُمْبْ أَهْضَعْ نَمَّ هَيْبْ لِرَظْنَلْ أَمْحِيْ وَضُعْبِ يَأْ هَيْبْ لَعْمُ حُمْبْ  
رَهْظَلْ أَبْ هَيْبْ شَتِّ هَنْ إِفْ يَمُكْ سَيَلَعْتَ نَأْ أَهْ تَلْمُ حَبْ وَأَوْهَائِضْ لَأِيْ فِ أَمْكَ أَهْضَرْ وَأَوْ  
يْتَأِيْ أَمْكَ هُتَرْهَظَلْ وَ

**“Чунки, зиҳор “зоҳр” сўзидан олинган бўлиб, муфоъала вазнидадир. Ўз белингизни ўзгаларнинг белига муқобилида қилганингизда араб**

тилида “зоҳартуху” дейилади... Шариатда эса, насаб, қудандалик, эмикдошлик туфайли кишига ҳаром бўлган аёлнинг ўзини ёки аёлдан таъбир берса жоиз бўладиган бирор бир аъзосини қарашлиги бирор бир аъзога ўхшатишлик, сен менга онам кабисан деганга ўхшаш. Бунда белни ва ундан ортиғини ўхшатиш бордир” (Дуррул мухтор).

## **ЗИҲОРНИНГ ИСЛОМ ШАРИАТИДА СОБИТ БЎЛИШИ**

Жоҳилият замонасида зиҳор талоқдан ҳам қаттиқ ҳисобланиб, эр-хотинни бир-бирига абадий ҳаром қиладиган ва у иккисини ўзаро алоқасини буткул узуш воситаси деб тушунилган. Жоҳилият даврида араблар талоқдан кейин аёлларини қайтариб олар эдилар. Лекин, зиҳордан кейин аёлини қайтариб олишни сира иложи йўқ эди. Чунки, улар зиҳорни эр-хотини ришталарини узадиган бир восита халос деб тушунмаганлар. Балки, жоҳилия пайтида зиҳор сабабли аёл она каби бўлиб, онанинг никоҳи ўз ўғли учун доимий ҳаром бўлгани каби зиҳор қилинган аёл ҳам эри учун абадий ҳаром бўлади деб тушунганлар. Ислом аввалида унга тегишли бирор ҳукм нозил бўлмаган эди. Лекин, кейинчалик ушбу мавзуга доир бир воқеа юз берди.

Авс ибн Сомит розияллоҳу анҳу ғазаб устида аёли Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳога “Сен мен учун онамнинг бели каби ҳаромсан” деб юборди. Бироз вақт ўтгач иккалалари ўтган ишга афсус қилдилар. Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо чора излаб Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келди. Чунки, ҳали ҳануз бу борада самовий ҳукм нозил қилинмаган эди. Олдин ривож топган жоҳилият анъаналарига мувофиқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Менинг фикримча эрингга ҳаром бўлибсан”**, дедилар. Шунда Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо дод-вой солиб: “Аллоҳим ўзингга шикоят қиламан” деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юзланиб: “Эй, Аллоҳнинг Расули менинг ёшлигим эрим хонадонида ўтди. Қариб қолганимда эрим мени зиҳор қилди. У билан ажрашсам хонадоним барбод бўлиб, болаларим қандай ҳаёт кечирадилар” деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Унга ҳаром бўлибсан”** дан бошқа гапни айтмадилар ва:



**Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир. Ким (қул) топмаса, бас (қайта) қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин. Ким (рўзага) қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйғазсин. Бу (ҳукм) Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учун. Ва бу(ҳукм) лар Аллоҳнинг чегараларидир. Ва (ундан чиққан) кофирларга аламли азоб бор”** (Мужодада 1-4 оят).

## **ЗИҲОРНИНГ РУКНЛАРИ**

Зиҳорнинг тўрт рукуни бор:

1. Мушаббих эрнинг ақлли, болиғ, мусулмон бўлиши. Шунинг учун ҳам телба ва балоғатга етмаганларнинг зиҳори эътиборга олинмайди;
2. Мушаббах аёлнинг тўлиқ зотини ёки тўлиқ зотига далолат қиладиган аъзосини никоҳи ҳаром бўлган маҳрамларига ўхшатиш. Масалан, орқа, қорин, сон, бош, жинсий аъзо, баданни ярми кабиларни ўхшатиш билан зиҳор воқе бўлади. Уни акси ўлароқ, қўл, оёқ, биқн каби нарсаларни ташбих қилиш билан зиҳор воқе бўлмайди. Чунки, улардан тўлиқ зотни ирода қилинмайди;
3. Мушаббахун беҳ – маҳрамларидан унга қарашлиги ҳалол бўлмаган аъзо ёки зот;
4. Ташбих предлоги ва сўзларини бўлиши. Араб тилида “коф”, “наҳву”, “мислу” сўзлари ташбихга ишлатилса, ўзбек тилида “каби”, “ўхшаш”, “...дек” каби сўз ва қўшимчалар ташбихга ишлатилади. Зиҳорда ушбу сўзларни ишлатиш лозимдир. Шунинг учун ташбихсиз эр аёлига: “Сен мени онамсан” ёки “Сен мени синглимсан” ёки “Сени белинг онамни бели” дейиши билан зиҳор воқе бўлмайди ва шу каби сўзлар бекорчи гап саналади. Лекин, бундай сўзларни айтиш макруҳи таҳримий ва гуноҳдир. Шунингдек, аёл эрни ота, ака дейиши билан зиҳор воқе бўлмайди. Лекин, бундай дейиш макруҳи таҳримий ва гуноҳдир.

## **ЗИҲОРНИНГ САРИҲ ВА КИНОЯ ЛАФЗЛАРИ**

Зиҳор лафзлари икки хил бўлади. Улар:

1. Сарих;





ёки доимий аёлдан ажрашишни ният қиладилар. Шунинг учун эр зиҳорнинг киноя лафзларини ишлатса ва унинг нияти номаълум бўлса, уруфга қараб боин талоқ бўлди деб ҳукм қилинади ва иккинчи бор аёли билан никоҳланиши зарур бўлиб қолади.

## **СЕНГА ЯҚИНЛИК ҚИЛСАМ ОНАМГА ЯҚИНЛИК ҚИЛГАН БЎЛАЙ ДЕЙИШ**

Бир киши аёлига: “Сенга яқинлик қилсам онам билан қўшилгандай бўлай” деса, бу билан на зиҳор ва на талоқ воқе бўлади. Бундай дейиш билан қаттиқ гуноҳкор саналади.

يُجْزِئُ رَسَالَةَ يَأْغِي فِي ذَلِكَ عَيْلَعَيْشِ الْفِي مُمْ أَتَتْ طَوْ كُتَتْ طَوْ نِ لِقَاقٍ وَ

**“Бир киши аёлига: “Сен билан яқинлик қилсам онам билан яқинлик қилган бўлай” деса, унинг зиммасига ҳеч нарса лозим бўлмайди. “Сирожия”да шундай дейилган”** (Фатвои ҳиндия).

## **ЗИҲОРНИНГ ҲУКМИ**

Зиҳор билан на талоқ воқе бўлади ва на никоҳ тугайди. Лекин, зиҳор каффоратини эр адо этмагунича аёли билан жимо, бўса, қучоғига олишнинг бирортаси жоиз бўлмайди. Лекин, бир-бири билан гаплашиши ҳаром эмас. Каффоратни адо қилмай аёлга яқинлик қилиш гуноҳи кабира саналади ва аёлга каффоратни эр адо қилмагунича, уни яқинига йўлатмаслиги лозим бўлади. Агар каффоратсиз эр аёлига яқинлик қилса, бас тавба вожиб бўлади ва шу билан бир қаторда каффоратни адо қилиш лозим бўлади.

الْوَأْطُ وَالْوُطُ وَالْحَيْ لَعَيْلَعَيْشِ تَمُّحٌ دَقْفٌ يُّمُّ رَهْظُكَ سِيْلَعَيْتَنْ أَوْ تَأْرَمَالُ لُجْرَلِ لِقَاقٍ إِذْ أَوْ  
نَمَنْ نُوْرَهْاطِي نِيْدَلْ أَوْ { سِلَاعَتِ هَلْ وَقِلْ هِرَاهْظُ نَعَرْ رَفْ كُي سِيْحْ أَلِي بَقْتِ أَلْ وَ أَسَم  
{ أَسَامَتِي نَلْبَقْ نَمْرَبَقْرُ رِيْحَتَفْ } لِقَاقٍ نَلْ { مَهْئِاسِن }

**“Бир киши аёлига: “Сен менга онамнинг бели кабисан” деса, Аллоҳ таолонинг “ўз аёлларини зиҳор қилувчилар”дан бошлаб “бир-бирига тегинишларидан аввал бир қул озод қилишдир” гача бўлган оятга биноан то зиҳор каффоратини адо қилмагунича аёл эрига ҳаром бўлади ва яқинлик қилиш ҳам, ушлаш ҳам, ўпиш ҳам дуруст бўлмайди”** (Ҳидоя).

## **БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТГАЧА ЗИҲОР ҚИЛИШ**

Бир киши белгилан муддатгача аёлини зиҳор қилса, масалан, эр аёлга: “Сен мен учун бир йил ёки бир ойгача онамдексан” деса, бас белгиланган муддат ичида аёли билан яқинлик қилса, зиҳор каффорати лозим бўлади. Агар белгиланган муддатдан кейин аёлга яқинлик қилса, зиҳор ботил бўлиб, каффорат лозим бўлмайди.

ريصي ەنسلا وا رهشلا وا مويلا يما رهظك يلع تنالاق ناب اتقوم رهاظ ولو  
لطب تقولا كلذى ضم اذاف لالحل ي ف ارهاظم.

**“Агар бир киши аёлига маълум вақт тайин қилиб: “Сен менга бугун ёки бир ой ёки бир йил” онамнинг бели кабисан” деса, ўша ҳолатда зиҳор қилувчи бўлади ва агар белгиланган вақт ўтгандан кейин аёлига яқинлик қилса, эрнинг зиммасига зиҳор каффорати лозим бўлмайди”** (Фатвои қозихон).

## **НИКОҲГА ТАЪЛИҚ ҚИЛИБ ЗИҲОР ҚИЛИШ**

Бир киши бегона аёлга: “Мен сенга уйлансам, сен мен учун онам кабисан” деб, сўнг унга уйланса, у аёлга зиҳор воқе бўлади.

Бир киши бегона аёлга: “Мен сенга уйлансам талоқсан” деб, яна: “Мен сенга уйлансам сен мени онам кабисан” деса ва у аёлга уйланса, бас зиҳор ҳам, талоқ ҳам воқе бўлади.

لاق ولو ارهاظم نوکي اهجزت ف يما رهظك يلع تنالاف كتجوزت اذا ەيبنجال لاق ولو  
اهجزت ف يما رهظك يلع تنالاف كتجوزت اذا لاق م ث قلاط تنالاف كتجوزت اذا  
ەدحاو ەلاح ي ف ناعقي اهانال اعيمج راهظلاو قالطالا ەمزلي.

**“Бир киши бегона аёлга қарата: “Мен сенга уйлансам сен менга онамнинг бели кабисан” деб, сўнг унга уйланса, зиҳор воқе бўлади. Агар бир киши бегона аёлга: “Агар сенга уйлансам сенга талоқ” деб, кетидан: “Агар сенга уйлансам сен менга онамнинг бели кабисан” деб, сўнг унга уйланса, талоқ ҳам, зиҳор ҳам воқе бўлади. Чунки, у иккаласи учун бир хил ҳолат топилди”** (Фатвои қозихон).

## **ЗИҲОР ҚИЛГАНДАН КЕЙИН УЧ ТАЛОҚ ҚҰЙИШ**

Бир киши аёлини зиҳор қилгандан кейин унга уч талоқ қўйса ва шаръий ҳалолодан кейин аёл аввалги эри билан турмуш қурса, каффоратни тўлашдан олдин унга яқинлик қила олмайди.

هه ل ل ح ي ال اره اظم ناك رخ آ جوز دع ب اه جوزت م م ا ا ل ا ل ا ه ق ل ل ط م م ه ت ا ر م ا ن م ره اظ اذا  
راه اظ ل ل ط ب ي ال ه ق ر ف ل ل ع و ق و ن ال ر ي ف ك ت ل ل ل ب ق اه و ط و

**“Бир киши аёлини зиҳор қилиб, каффорат тўлашидан олдин аёлини уч талоқ қилса ва бошқа эрга тегиб чиққандан кейин аввалги эр унга уйланса, зиҳор каффоратини адо қилишидан илгари аёлига яқинлик қилиши мумкин эмас. Чунки, ажрим зиҳорни йўққа чиқармайди”** (Фатвои қозихон).

## **ХОҲИШГА ЗИҲОРНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ**

Бир киши Аллоҳ таолонинг машиятига зиҳорни таълиқ қилиб аёлига: “Аллоҳ хоҳласа сен менинг онам кабисан” деса, талоқ каби зиҳор ҳам воқе бўлмайди. Агар бир кишининг хоҳишига эр аёлини зиҳорини таълиқ қилиб : “Фалончи хоҳласа, сен менинг онам кабисан” деса ва фало шахс зиҳорни хоҳласа, зиҳор воқе бўлади. Агар хоҳламаса, зиҳор воқе бўлмайди. Эр аёлига қараб: “Хоҳласанг сен менинг онам кабисан” деса ва аёл ўша мажлисда зиҳорни хоҳласа, зиҳор бўлади. Агар хоҳламаса, зиҳор бўлмайди.

ولو ا ق ا ل ط ن و ك ي ال ا م ك ا ر ا ه ا ظ ن و ك ي ال ه ل ل ا ء ا ش ن ا ي م ا ر ه ظ ك ي ل ع ت ن ا ل ا ق و ل و  
ي ل ع و ه ف ت ئ ش ن ا ي م ا ر ه ظ ك ي ل ع ت ن ا ل ا ق و ا ن ا ل ف ء ا ش ن ا ي م ا ر ه ظ ك ي ل ع ت ن ا ل ا ق  
س ل ل ج م ل ا ي ف ة ئ ي ش م ل ا

**“Эр аёлига: “Сен менга онамнинг бели кабисан, иншааллоҳ” дейиши билан талоқ тушмагани каби зиҳор тушмайди. Агар эр аёлига: “Фалончи хоҳласа, сен менга онамнинг бели кабисан” деса ёки “Агар хоҳласанг сен менга онамнинг бели кабисан” деса, ўша мажлисда аёлнинг хоҳшига эътибор берилади”** (Фатвои қозихон).

## **ЗИҲОР ҚИЛИШ ГУНОҲ**

Зихор қилиш гуноҳ. Баъзи олимлар зихор қилишни гуноҳи кабираларга киритганлар. Чунки, Аллоҳ таоло зихор қилувчиларга хитоб қилиб қуйидагиларни айтган:

رُفِعَ وُفَعَلَّ لَلْإِنِّوْ أَرْوَزَوْلَ وُقُولَ نِمَ أَرْكَنُ مَنَ وُلُ وُقَيْلَ مَّوَّ إِنِّوْ

**“Ва, албатта, улар инкор қилинган ва ғирт ёлғон сўзларни айтарлар”** (Мужодадала 2 оят).

## **ЗИХОРНИНГ КАФФОРАТИ**

نَ أَلْبَقْ نَمَّ ةَبَقَرُ رِيْحَتَفِ اُولَاقِ اَمَلِ نَ وُدُوْعِي مَّثْ مَّوْئِاسِنَ نَمَ نَ وُرْهَاطْئِي نَيِّدْلاوْ  
مَّايَصَفِ دَجِي مَلْ نَمَفْ رِيْبَخِ نَ وُلَمَّعَتِ اَمَبْ هَلْلاوْ هَبْ نَ وُطْعُوْتْ مَّكَلْدَ اَسْاَمَتِي  
نَيِّسْ مَّاعْطِإِفِ عَطَسْتَسِي مَلْ نَمَفِ اَسْاَمَتِي نَ أَلْبَقْ نَمَ نَيِّعَبَاتَتْ مَّ نَيِّرَهَشْ  
مَّيَلْ اَبْأَدَعِ نَيْرِفِ اَلْلاوْ هَلْلاوْ دُوْحْ كَلْتَوِ هَلْلاوْ سَرَوِ هَلْلاوْ اَبْ اُوْنَمُ وُتْلَ كَلْدَ اَنَيِّكُ سَمَ

**“Хотинларидан зихор қилганлар ўз айтганларидан қайтсалар, (қайта) қўшилмасларидан аввал бир қул озод қилсинлар. Бу (ҳукм) ваъзланишингиз учундир. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир. Ким (қул) топмаса, бас (қайта) қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин. Ким (рўзага) қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйғазсин. Бу (ҳукм) Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учун. Ва бу(ҳукм)лар Аллоҳнинг чегараларидир. Ва (ундан чиққан) кофирларга аламли азоб бор”** (Мужодадала 3-4 оятлар).

Ояти каримада зихорнинг каффорати учта эканлиги баён қилинган. Уларда тартиб ва кетма-кетлик фарз. Улардан биринчиси, қул озод қилиш. Агар унга қодир бўлмаса (масалан ҳозирги пайтда), икки ой кетма-кет рўза тутиш. Агар қул озод қилаётган пайтда ёки кетма-кет рўза тутаётган пайтда, ҳали каффоратни тўлиқ қилмай туриб аёлига яқинлик қилса, янгитдан каффоратни адо қилиш лозим бўлади. Агар кетма-кет рўза тутаётганда рўзани бир кунини бузиб қўйса, янгитдан икки ой рўза тутати. Хоҳ қасдан яқинлик ёки ифторлик қилган бўлсин, хоҳ узурли сабабли қилган бўлсин ёки узурсиз кундизи ёки кечасида яқинлик қилган бўлсин янгитдан каффорат рўзасини тутишни бошлайди. Ҳа, агар мискинларга таъом бераётган аснода аёли билан яқинлик қилса, фақат гуноҳкор бўлади ва каффоратни қайтадан бошлаши лозим бўлмайди. Шунинг учун каффорат рўзасини рўза ойи ва рўза тутиш ҳаром қилинган кунлардан бошқа кунларга тўғрилаши ва юқоридаги кунлар каффорат рўзаси кунлари орасига тўғри келиб қолмаслиги лозим бўлади. Агар ойга қараб рўза тутса

ва икки ой кетма-кет 29 кундан бўлиб, жами 58 кунни ташкил қилса, каффорат рўзаси учун кифоя қилади. Агар ойга қарамай каффорат рўзасини тутса, тўлиқ олтмиш кун рўза тутиши лозимдир. Агар бундай ҳолатда 59 кун бўлганда рўзасини очиб қўйса, қайтадан олтмиш кун каффорат рўзасини тутиши лозим бўлади.

Агар олтмиш кун рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмишта мискинни икки маҳал ёки бир мискинни икки маҳалдан олтмиш кун қорнини тўйдириши лозим бўлади. Агар таомлантиришни хоҳламаса, олтмишта мискиннинг ҳар бирига садакаи фитр баробарида, яъни ярим соданъ буғдой ёки бир соьдан арпа ёки уларни қийматини беради ёки бир мискинга олтмиш кунгача ярим соьдан буғдой ёки бир соьдан арпа ёки уларни қийматини бериб боради. Агар бир кунда бир мискинга олтмиш кунлик ғаллани бирданига бериб қўйса, каффорат адо бўлмайди. Балки ўша куннинг каффорати адо бўлади халос. Бир мискинга бериладиган бир кунлик каффоратни бир неча мискинларга тарқатиб қўйса, каффорат адо бўлмайди.

وَلَوْ نَزَرَهُ شَمَاصٌ... قُتُّعِي أَمْ رَهْاطُمْ لَادِجِي مَلْوَإِفٍ... بَقَرُورِي رَحَتِي هِرَافَكَ لَابَابِ  
سَيَسَمَلِ الْبَقِ نَيَّعِبَاتَتُمْ... أَمْوَي نَيَّسَفِ الْإِوَالِ الْهَلَابِ نَيَسْمَحْ وَهَي نَامَثِ  
...أَهْطُو وَأَهْرِي غَبْ وَأُ... رُدْعَبَ رَطْفًا نِفٍ... أَمْوَصْ نَعْيُهُنْ أَمْيَا وَأُنَاضْ مَرَامْ هِي سَيَلِ  
الْمُؤْصَلِ الْفِنْؤُسَا... أَيَسَانْ وَأُ... إِمَاعِ أَرَاهَنْ وَأُ... الْيَلِ أَقْلُطْمِ نَيَّزَهْ شَلَايَا أَمْ هِي  
...أَمْ كُحْ وَلَوْ أَنْ يَكْسَمَ نَيَّسَفِ الْكَلْمِ أَيَا مَعْطَا... مُؤْصَلَا نَعْيَ نِفٍ... مُعْطَا لِي  
أَمْ... زَا... مُهْأَشَعْ وَمُهْأَدَعْفَ عَحَابِ الْإِلَادَارَانِ... كَلْدَهْ مَيَقْ وَأَفْرُصَمَوْ أَرْدَقْ. هِرَطْفَلَا كِ  
دِحْ أَوْ مَوِي يَفِ مَاعْ طَلَا لُكْ هَحَابْ أَوْ وَلَوْ عَجْأَلَا دِدَجْتَلِ أَمْوَي نَيَّسَفِ أَدْحَاوْ مَعْطَا وَلِ زَا  
أَقَافَاتِ طَقْفَ كَلْدَهْ مَوِي نَعْيَ أَرْجَأْ هَعْفَدِ

**“Каффорат боби: зиҳорнинг каффорати қул озод қилишдир... зиҳор қилувчи озод қилиш учун қул топа олмаса...кетма-кет икки ой рўза тутади. Агар ойга қараб рўза тутса, эллик саккиз кун, йўқса олтмиш кун рўза тутади...бир-бирларига тегинишларидан илгари. Олтмиш куннинг ичида рамазон ҳам ва рўзадан қайтарилган кунлар ҳам бўлмайди...агар узр ёки узрсиз рўзасини очиб юборса ёки икки ойнинг ичида хоҳ кундизида бўлсин хоҳ кечасида, хоҳ қасдан бўлсин хоҳ эсдан чиқариб аёлига яқинлик қилса рўзани янгитдан тутишни бошлайди. Таъом беришда эса, бундай эмасдир. Агар рўза тутишдан ожих қолса, таомлантиради, олтмишта мискинга фитр миқдорича таомни ёки унинг қийматини милк қилиб беради. Агар тўйгунингларча еяеринглар деб уларни олдига таом қўйса, эрталаб ва кечки таомини берса жоиздир. Бир кишини олтмиш кун**

таомлантиргани каби. Бунга ҳожат тушгани учун. Битта мискинга бир кунда олтмишта мискинга бериладиган таомни бирданига берса, битта мискиннинг бир кундан каффорат адо бўлган бўлади” (Дуррул мухтор).

## **ЗИҲОРНИНГ КАФФОРАТИ САБАБЛИ ЭР АЁЛ БИЛАН ЯҚИНЛИК ҚИЛМАСЛИГИ**

Зиҳордан кейин эр каффоратни адо қилишдан қўрқиб, аёлга яқинлик қилмаса ва уни ўз ҳолига ташлаб қўйса, аёл қозига ариза бериб, каффоратни адо қилдиришга ёки талоқ қўйишга мажбур қилдиришга ҳаққи бор.

عَاتْمُ سِرَالِا نَمُ عَعْنَمَت نَأْ اَهْلَ عَوِ وِ هِ اَوْ حَقَّ قَلَّ عَتَلْ عَطُولِ اِبْ هَبْلَ اَطَّتْ نَأْ اَهْلَ رَمْلَ لَوِ  
وَأَسْبَحَ اَهْلَ عَرَضَ لَلْ اَعْدَ رِي فَكَّتْ لِبَابِ هِ هُمُ اَزْلَ اِيضَ اَقْلَ اِيْلَ عَوَ رَفَكِّيْ سِ ح  
قَلَّ طِيْ وَا رَفَكِّيْ نَأْ اِيْلَ بَرَصَ

“Аёл эридан яқинлик қилишини талаб қила олади. Чунки, бу аёлнинг ҳақларидандир. Шунингдек, аёл эри зиҳор қилган пайтда каффоратни тўлагунича яқинликдан эрини тўсиб туради. Қози эса, аёлдан зарарни дафъ қилиш учун каффоратни тўлашга эрни ундайди. Бу нарса то каффоратни эр тўлагунича, уни ҳибсда тутиб туриш билан ёки уриш йўли билан бўлади” (Дуррул мухтор).

## **ЛИОННИНГ БАЁНИ**

### **ЛИОННИНГ ЛУҒАВИЙ ВА ШАРЪИЙ МАЪНОСИ**

Лион сўзи муфоалат бобидан масдар бўлиб, лаънат сўзидан келиб чиққандир ва у раҳматдан йироқ қилиш, маъносини билдиради. Шариятда эр-хотин ўртасида шаръий қонунларга мувофиқ қози олдида бўлиб ўтадиган тўрт шаҳодат ва бир матротаба лаънат ва ғазабни айтишдир.

نِيْمَلْسَمَلْا نَمُ عَجْوِ اِيضَ اَقْلَ اِوْ اِمَامِ اِلْا عَرْضَ حَبِ نَوَكِيْ نَأْ اِيْغَبِ نِيْوِ

“Лион имом ёки қози ва мусулмонлардан бир жамоанинг ҳузурида бўлиши лозимдир” (Мирқотул мафотиҳ).

## **ЛИОННИНГ ҲАҚИҚАТИ**

Бирор киши ўзининг покдомон аёлига зинокор деб тухмат қилса, масалан, эр аёлига: “Сен зинокорсан” ёки “Зино қилганингни кўрдим” ёки “Эй, зинокор” ёки аёлдан туғилган насабни инкор қилиб: “Сенинг бу фарзандинг зинодан бўлган” ёки “Бола мендан эмас” деса ва айтган сўзига гувоҳ келтира олмаса ва аёл қозига шикоят қилиб, эрига зинода тухмат қилганлик ҳадди урулишини талаб қилиб, ариза билан қозига мурожаат қилса, эрга лион вожиб бўлади.

Аёл зино қилганлигига иқрор бўлса ёки эр аёлига тухмат қилиб ёлғон гапирганига иқрор бўлса, лион вожиб бўлмайди. Чунки, лионда эр ўз даъвосида, аёл эса, ўз инкорида бардавом бўлиши зарурийдир.

## **ЛИОНИ ШАРИАТДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ**

Ислом аввалида покиза аёлларни зинокорликда айблаганлиги учун ҳад урулиш ҳукми нозил бўлганидан кейин саҳобаи киромлар ўртасида: “Бирор киши бегона аёлни ёмон иш устида кўриб қолса, инсон унга сабр бардош қила олади. Лекин, эр ўз аёлини ёмон иш устида ушлаб олса, қандай қилиб, унга сабр қила олади?” деган савол пайдо бўлди. Агар эр аёли билан зино қилаётган кишини ўлдириб юборса, ўзи ҳам жазога тортилади. Агар қилинаётган зинога гувоҳ қидирай деса, бу ҳам мушкул. Агар кўрган нарсаларини унутиб, сабр қилай деса, виждони қийналади. Талоқ қилиб юборай деса, аёл ва уни ўйнаши сувдан қуриқ чиқиб, зино сабабли пайдо бўлган боланинг насаби унга берилиб қолади.

Саъд ибн Ваққос ва Уваймир Ижланий розияллоҳу анҳумлар фаразий тарзида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳақда савол бердилар. Кўп ўтмай Ҳилол ибн Умайя аёлини Шарик ибн Саҳмо билан ножоиз алоқадалигини кўриб қолди. У ҳодисани икки кўзи билан кўриб, икки қулоғи билан эшитди ва буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

“Эй, Аллоҳнинг Расули, мен кечаси ўз аҳлим олдига келиб, унинг олдида бир эркакни кўрдим. Ҳодисани икки кўзим билан кўриб, икки қулоғим билан эшитдим”, деди. У келтирган хабар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқмади, жуда оғир ботди. Ансорийлар Ҳилолнинг атрофига тўпланиб:

“Саъд ибн Убода гапирган гапнинг балосига қолдик, энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иложсиз Ҳилол ибн Умайяга дарра урадилар, одамлар ичида шарманда этиб, гувоҳлиги ўтмайдиган қиладилар”, деб хавотирланишди. Ҳилол эса:

“Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таолонинг Ўзи бир йўл кўрсатишини умид қиламан”, деди. Сўнгра у:

“Эй, Аллоҳнинг Расули, кўриб турибманки, мен олиб келган нарса сизга оғир ботди. Аллоҳ билади, мен ростгўйдирман”, деди. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дарра уришни ирода қилиб турганларида, бирдан, Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий тушириб қолди. У кишига ваҳий келаётганини юзлари оқарганидан билиб олишар эди. Ана шунда ушбу оятлар нозил бўлди:

عَبْرًا مَّوَدَّحًا ۞ دَاوَّشَ ف ۞ مُمْسِفًا ۞ اٰلِ اٰدَمَ ۞ ش ۞ مَّهَل ۞ ن ۞ كَي ۞ مَلَو ۞ مَّوَجًا ۞ وَّرَا ۞ ن ۞ وُمَّرِي ۞ ن ۞ ي ۞ دَّلَاو ۞  
ن ۞ م ۞ ن ۞ ا ۞ ك ۞ ن ۞ ا ۞ ن ۞ ا ۞ ع ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ت ۞ ن ۞ ع ۞ ل ۞ ن ۞ ا ۞ ا ۞ س ۞ م ۞ ا ۞ خ ۞ ل ۞ ا ۞ و ۞ ن ۞ ي ۞ ق ۞ دَا ۞ ص ۞ ل ۞ ا ۞ ن ۞ م ۞ ل ۞ ا ۞ ن ۞ ا ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ب ۞ ت ۞ ا ۞ دَا ۞ و ۞ ش ۞  
ن ۞ ي ۞ ب ۞ دَا ۞ ك ۞ ل ۞ ا ۞ ن ۞ م ۞ ل ۞ ا ۞ ن ۞ ا ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ب ۞ ت ۞ ا ۞ دَا ۞ و ۞ ش ۞ ع ۞ ب ۞ رَا ۞ دَا ۞ و ۞ ش ۞ ت ۞ ن ۞ ا ۞ ب ۞ ا ۞ د ۞ ع ۞ ل ۞ ا ۞ ا ۞ و ۞ ا ۞ ز ۞ د ۞ ي ۞ و ۞ ن ۞ ي ۞ ب ۞ دَا ۞ ك ۞ ل ۞ ا ۞  
م ۞ ك ۞ ي ۞ ل ۞ ع ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ل ۞ و ۞ ل ۞ و ۞ ن ۞ ي ۞ ق ۞ دَا ۞ ص ۞ ل ۞ ا ۞ ن ۞ م ۞ ن ۞ ا ۞ ك ۞ ن ۞ ا ۞ ا ۞ ن ۞ ا ۞ ع ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ب ۞ و ۞ ا ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ل ۞ ا ۞ و ۞ ا ۞ و ۞ ه ۞ ت ۞ م ۞ ح ۞ ر ۞ ا ۞ و ۞  
م ۞ ي ۞ ك ۞ ح ۞ ب ۞ ا ۞ و ۞ ت ۞ ل ۞ ل ۞ ا ۞ ن ۞ ا ۞ و ۞ ه ۞ ت ۞ م ۞ ح ۞ ر ۞ ا ۞

**“Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб, фақат ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганлар эса, бас, улардан ҳар бирининг гувоҳлиги Аллоҳнинг исми ила тўрт марта, албатта, у ростгўйлардан эканлиги ҳақида шоҳидлик беришдир. Бешинчисида эса, агар ёлғончилардан бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини (айтишлиқдир). Ва у(аёл) дан азобни қайтарадиган нарса, Аллоҳнинг исми ила тўрт марта, албатта, у(эр) ёлғончилардандир, деб шоҳидлик беришидир. Бешинчисида эса, агар у(эр) ростгўйлардан бўлса, ўзи(аёл)га Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтишлиқдир). Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида!.. Албатта, Аллоҳ тавбаларни кўплаб қабул қилгувчи ва ўта ҳикматли зот бўлмаганида эди!..”** (Нур 6-10 оятлар).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳийни қабул қилиб, аввалги ҳолатларига келдилар ва:

**“Хурсанд бўл, эй Ҳилол, батаҳқиқ, Аллоҳ сенга кушойиш ва қутулиш берди”,** дея марҳамат қилдилар. Ҳилол:

“Роббим азза ва жалладан худди шуни умид қилаётган эдим”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Аёлга одам юборинглар”**, деб айтдилар. Аёлга одам юборилди. У келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларига оятларни ўқиб бердилар, иккаласига ҳам насихат қилдилар, охиратнинг азоби бу дунёнинг азобидан шиддатли эканини эслатдилар. Ҳилол:

“Аллоҳга қасамки, эй, Аллоҳнинг Расули, мен у ҳақда рост гапни айтдим”, деди. Аёл:

“Ёлғон гапиряпти”, деб жавоб қайтарди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Икковларини бир-бирларига лаънат айтгизинглар”**, дедилар. Ҳилолга :

“Сен шоҳидлик бер”, дейилди. У ўзи, албатта, ростгўйлардан эканлиги тўғрисида тўрт марта Аллоҳнинг исми ила шоҳидлик берди. Бешинчисига келганда, унга:

“Эй Ҳилол, Аллоҳдан қўрқ! Албатта, бу дунёнинг азоби охиратнинг азобидан енгилдир. Албатта, мана шу сафаргиси сенга азобни вожиб қилгувчидир”, дейилди. У:

“Аллоҳга қасамки, менга бу (аёл) сабабли дарра урилмаганидек, Аллоҳ мени азобламайди ҳам”, деди ва бешинчисига, агар ёлғончилардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг лаънати бўлиши ҳақида шоҳидлик берди.

Сўнгра аёлга:

“Аллоҳнинг исми ила, у, албатта, ёлғончилардандир, деб гувоҳлик бер”, дейилди. Бешинчисига келганда, унга:

“Аллоҳдан қўрқ! Албатта, бу дунёнинг азоби охиратнинг азобидан енгилдир. Албатта, мана шу сафаргиси сенга азобни вожиб қилгувчидир”, деб эслатилди. У бир муддат дудуқланиб қолди, эътироф қилмоқчи ҳам бўлди. Сўнгра, Аллоҳга қасамки, қавмимни шарманда қилмайман, деб бешинчи шаҳодатни, яъни, агар у (эри) ростгўйлардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг ғазаби бўлиши ҳақида гувоҳлик берди.

من هه اهتيمر اميف قداص ينا هللاب دهشا تارم عبرا الوا وه لوقي نا هتروصو  
اريشم انزلا نم هه اهامر اميف ابذاك ناك نا هه لعل هللا نعل ةسماخلا يفو انزلا  
هه ينامر اميف بذاك هه نا هللاب دهشا تارم عبرا يه لوقت مث هه عيمج يف اهيلي  
انزلا نم هه ينامر اميف اقداص ناك نا اهيلي لعل هللا بضع ةسماخلا يفو انزلا نم  
هه لطلب نيبتو...امهني بضاقلل قرفي مث

**“Лионнинг сурати эр тўрт бор: “Мен Аллоҳ номи билан гувоҳлик бериб айтаманки, мен унга нисбатан айтган зинокор деган сўзимда ростгўйман” дейди. Бешинчисида, зинокор деб айблашида ёлғончи бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини айтади. Бешаласида ҳам хотин тамонга ишора қилади. Кейин аёл тўрт бор: “Аллоҳ таоло номи билан гувоҳлик бераманки, эр мени зинода айблашида ёлғончидир” дейди. Бешинчисида, агар эр сўзида ростгўй бўлса, аёлга Аллоҳнинг ғазаби бўлсин дейди. Сўнг қози иккаласи ўртасини ажрим қилади ва иккиси ўртасига боин талоқ тушади” (Шарҳул виқоя).**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларини ажратдилар. Аёлнинг боласи туғилгандан кейин ота исми билан аталмаслиги, уни зинодан бўлган демаслик, ким шундай деса, унга ҳадд урилиши, эр аёлга уй-жой бермаслиги, таом бериши ҳам вожиб эмаслиги ҳақида ҳукм чиқардилар. Чунки, уларнинг ажрашувлари талоқ ёки вафот туфайли эмас эди. Сўнгра у зот:

**“Аёл қизғиш сочли, думбаси кичик, болдири ингичка бола туғса, Ҳилолдан бўлади. Агар қорамтир, жингалак соч, бўлиқ, икки болдири йўғон ва думбалари катта бола туғса, аёл билан туҳмат қилинаётган шахсдан бўлади”,** дедилар. Бас, аёл қорамтир рангли, жингалак сочли, бўлиқ, икки болдири йўғон ва думбалари катта бола туғди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Агар қасамлар бўлмаганида, мен билан у аёл ўртасида бир иш бўлар эди”,** дедилар”.

## **ЛИЪОННИНГ ШАРТЛАРИ**

Зинокор деб туҳмат қилгандан кейин лиъон вожиб бўлиши учун тўққиста шарт топилиши лозимдир. Улар:

1. Эр-хотин иккалалари мусулмон, ҳур, оқил ва болиғ бўлиши;
2. Иккалаларидан ҳар бирига олдин қазф билан ҳад урулмаган бўлиши, яъни эр-хотиндан қайси бири бирор кишини зинокорсан деб айиблаб, сўнг айтган сўзига гувоҳ келтира олмай саксон қамчи урилган бўлмасин. Агар у иккисидан бирортасига қазф ҳадди урилган бўлса, лиъон қилиш дуруст бўлмайди;



Лионда яна хурлик, ақл, балоғатга етганлик, мусулмон бўлишлик, сўзлай олишлик, олдин тухматда ҳад урилмаганлик шарт қилинади. Бу шартларнинг барчаси эр-хотин иккисига тегишлидир. Эрдан яна, ростгўйлигига ҳужжат қоим қила олмаганлиги ҳам шарт қилинади. Аёлда эса, аёлдан зино собит бўлганлигини инкор қилишлик ва зинодан пок эканлигининг даъвоси шарт қилинади. Шунингдек, эр аёлни зинокорликда айблаши зино сўзини ошкора айтиши билан бўлиши ҳамда бу нарса ислом ҳовлисида бўлиши шарт қилинади. Бу нарса “Бадоиъ”дан нақл қилиниб “Баҳр”да келган нарсаларнинг хулосасидир. Эр болани ундан эмаслигини даъво қилиши зинода айблани кабидир”. (Дуррул мухтор).

## ЛИЪОННИНГ ҲУКМИ

Лиъондан кейин қози чиқарган ҳукми билан эр-хотин ўртасида ажрм бўлиб, аёлга боин талоқ воқе бўлади. Агар аёл лиъондан кейин фарзанд кўрса, унинг насаби аёлдан собит бўлади. Эрдан насаб собит бўлмайди. Эр ўз даъвосида, аёл эса, уни инкор қилишда ажрмдан кейин бардавом бўлсалар у иккиси ўртасида абадий никоҳ дуруст бўлмайди. Ҳа, ажрмдан кейин эр ўз даъвосидан қайтса ёки ўзини-ўзи ёлғончига чиқарса ёки аёл ўз сўзидан қайтса, бас иккаларини никоҳлаш дуруст бўлади. Чунки, эр-хотиндан бири ўз сўзидан қайтиш билан у иккиси орасида лиъон қолмайди.

Ҳадиси шарифда:

أَدْبَانُ عَمَّتْ جِي الدَّنَانِ عَالَتْ مُلْ

“Икки лаънатлашувчилар абадий жамланмайдилар” дейилган. Бу ҳадисдан кўзланган мақсад шу-ки, икки лиъон қилувчилар ўз сўзида бардавом бўлиб, собит турсалар уларни абадий жамлаш мумкин эмас. Лекин, эр даъвосидан қайтиши ёки аёл ўзини-ўзи ёлғончига чиқариши билан лиъон ботил бўлади ва иккисини орасини жамлашга монъелик қилаётган нарса ҳам йўққа чиқади. Шунинг учун уларни никоҳ қилиш дуруст бўлади. Лекин, эр ўзини-ўзи ёлғончига чиқарса, бас унга қазф ҳадди, аёл киши инкоридан қайтса, бас унга зино ҳадди жорий қилинади.

Шунингдек, лиъондан кейин эр бирор кишига зинокорсан деб тухмат қилди ва унга гувоҳ келтира олмай, қазф ҳадди урилди ёки лиъондан кейин аёл бирор киши билан зино қилса ва у ўз исботини топиб, ҳад жорий

